

Тошкент шахри

2022 йил “14” 06

“UNIT OF ACTION” МЧЖ нинг устав асосида иш юритувчи директори Рустамов А.П. бир томондан (бундан бўён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда УзРесВМ магистроти УФБ Автохўжамилийи номидан низом асосида иш юритувчи Директор Г.О. Исмоилов иккинчи томондан (бундан бўён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ автошиналарни етказиб бериш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Товарларни етказиб беришда товар турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра куйидагиларни талаб қилиш:
 - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
 - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
 - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ автошиналарни етказиб бериш ва қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ автошиналарни етказиб бериш учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда автошиналарни етказиб бериш учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириқقا биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
 - агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 123 816 000,00 (Бир юз йигирма уч миллион саккиз юз ўн олти минг) сўм, ҚҚС сиз.

Автошиналарни етказиб беришнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30% миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Автошиналарни етказиб бериш учун ҳисоб-китобнинг 70% миқдори қолган қисми ҳисоб-фактурани Буюртмачи томонидан масъул ходим имзоланганидан кейин уч иш куни ичida амалга оширилади.

3.3. Етказиб бериш бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварап-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Газначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда автошиналарни етказиб беришқабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Автошиналарни етказиб бериш тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварап-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктиримай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганилиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганилк ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айборд томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида етказилган зарарни қоплади.

5.4. Автошиналарни етказиб бериш кечикирилган, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори автошиналарни етказиб беришбаҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечикириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Автошиналарни етказиб бериш учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқлади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларниң бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларниң шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларниң бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларниң оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатниң тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўклиги, шунингдек тегишли далилларниң йўклиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳукуқидан маҳрум қиласи.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларниң оқибатлари томонларниң ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласидан бўлса, томонларниң ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳукуқига эга. Бундай ҳолда томонларниң ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган заарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларниң шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларниң шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларниң талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиной йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуслар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларниң шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-илювасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузилиши мумкин деб гумон қиласа, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларниң бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларниң бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли

материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро хужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласди. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғуланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироқи хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар маҳфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчилкларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ маҳфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган ва Молия Вазирлиги Фазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласди.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи

«UNIT OF ACTION» МЧЖ

Тошкент шаҳар Янгихаёт тумани Хумо 8

Х/Р: 20208000805410241001

Банк: «Алоқабанк» АТ

Амалиёт бошқармаси

МФО:00401 ИИН: 308 632 379




Бажарувчи:

Рахбар

Рустамов А.П.

Буюртмачи



Буюртмачи:



Лицензия TN № 001107
Адвокат Даминов И.
TN № 000186 Мин. Юст. РУз

2022 йил 14 06

015/22-сонли шартномага

1-илюва

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сумма
1	Автошина 195/60/R15 для Ласетти 1.5	дона	48	882 000,00	42 336 000,00
2	Автошина 225/55/R17 для Малибу - 2	дона	20	1 960 000,00	39 200 000,00
3	Автошина 235/50/R18 для Cadillac XTS	дона	4	4 650 000,00	18 600 000,00
4	Автошина 285/45/R22 для Cadillac Escalade	дона	4	5 920 000,00	23 680 000,00
Жами				123 816 000,00	

Жами : 123 816 000,00 (Бир юз йигирма уч миллион саккиз юз ўн олти минг)сўм.

Бажарувчи

«UNIT OF ACTION» МЧЖ

Тошкент шахар Янгихаёт тумани Хумо 8
Х/Р: 20208000805410241001

Банк: «Алоқабанк» АТ

Амалиёт бошқармаси

МФО:00401 ИИН: 308 632 379



Рустамов А.П.

Буюртмачи

АвтоХозяйство Управления хозяйственной
деятельности Аппарата Кабинета
Л/с: Министров Республики Узбекистан
Банк реквизитлари: Ш.Рашидова, 11
МФО 100010860262667011209080002
ИНН 201 123 394 ОКОНХ 51121
ОКЭД Р/с 23 402 000 300 100 001 010
ИНН 201 122 919 МФО 00014



4267393



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"UNIT OF ACTION" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

"UNIT OF ACTION" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.06.2021

1009141

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

308632379

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yangihayot tumani, 6, Xumo, 6,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yangihayot tumani, DAVLAT XIZMATLARI

tomonidan
berilgan

MARKAZI

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning ts'liq nomi):



«Тасдиқлайман»

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси аппарати

Хўжалик фаолияти бошқармаси

Автохўжалиги директори в.в.б

 Г.И.Исмаилов.

« 14 » июнь 2022 й

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалиги автомобилларга автошиналар етказиб
берувчи ташкилотни аниқлаш бўйича
ишчи гурӯҳ йиғилиш
Баённомаси №4

Қатнашдилар: Хайъат раиси Исмаилов Г.И. Автохўжалик директори

Хайъат аъзолари:

Алимов С.У.	Бош ҳисобчи
Эшонқулов И.Ф.	Етакчи иқтисодчи
Махкамов Х.А.	Автомобилларни таъмирлаш устахонаси бошлиғи в.в.б
Азизов Н.У.	Моддий техника таъминот бўлими мудири
Ташматова Л.К.	Техник ҳисоб бўлими бошлиғи
Зуфаров Д.У.	Марказий омбор мудири
Хошимов Д.Э.	Комиссия котиби

Кун тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалиги балансидаги автомашиналар учун автошиналар сотиб олиш учун

1. «STANDART LEVEL» МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш;
2. « UNIT OF ACTION » МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия котиби Хошимов Д.Э. ахборот берди. У ўз сўзида йиғилиш қатнашчиларига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлари ҳисобидан etender.uzex.uz электрон платформаси “Энг яхши таклифни танлаш” бўлимида 02.06.2022 йил № 22110012098606 лот рақами билан жойлаштирилган эълон бўйича Автохўжалик балансидаги автомашиналар учун эҳтиёт қисмлари сотиб олиш учун юқорида номлари келтирилган икки нафар қатнашчилар таклифлари ўрганиб чиқилди.

Қабул қилинган таклифларни ўрганиш мақсадида, тақдим этилган таклифларга комиссия иштирокчилари томонидан шахсий электрон калитлари орқали овоз берилди.

Тақдим этилган электрон таклифлар батафсил ўрганилди ва 100 баллик тизим орқали ғолиб ташкилот аниқланди.

Автохўжалик раҳбари томонидан тасдиқланган ва сканер қилинган шаклда № 22110012098606 лот рақам орқали эълон қилинган шартлар асосида бўлиб ўтган электрон овоз беришда, хайъат аъзолари томонидан ташкилотларнинг барча электрон портал орқали топширган хужжатлари атрофлича ўрганилди ва қуидагилар аниқланди:

1. «UNIT OF ACTION» МЧЖ томонидан тақдим этилган электрон таклиф хужжатларида 1,3,5,6,7 шакллари бўйича қониқарли даражада тақдим этилган. Комиссия йиғилишида ушбу ташкилот вакили томонидан намуна тариқасида танловда келтирилган товарлардан баъзилари келтирилди ва комиссия томонидан ўрганилди.

2. «STANDART LEVEL» МЧЖ томонидан тақдим этилган электрон таклиф хужжатларида 1,4,6,7,8 шакллари бўйича қониқарли даражада тақдим этилган. Комиссия йиғилишида 3 ва 5 шакллари кониқарсиз даражада деб бахоланди ва ушбу ташкилот томонидан эҳтиёт қисмларнинг намуналари келтирилмади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзолари ўз шахсий электрон калитлари орқали иштирокчи ташкилотларга қуидаги баллар қўйилди:

№	Шакллар номи	«STANDART LEVEL» МЧЖга кўйилган балл	« UNIT OF ACTION » МЧЖ кўйилган балл
1	Хизматларни кўрсатиш учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги	4	4
2	Молиявий аҳволи	4	5
3	Маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали	25	29
4	Қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот	4	5
5	Маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали	35	38
6	Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот	4	5
7	Қатнашчининг ташкилий шакли	4	5
8	2021 йил молиявий ҳисобот (ҳисобхона баланси ва молиявий натижалар)	5	5
Жами тақдим этилган хужжатлар учун баллари		59.5	67.2
9	Таклиф этилаётган нархга берилган балл	29.89	30
Таклиф киритган ташкилотнинг жами тўплаган баллари		89.39	97.2

Жамланган баллар асосида « UNIT OF ACTION » МЧЖ энг юқори балл жамлагани маълум бўлди. Йиғилиш давомида бўлиб ўтган мулоқотлар давомида иштирокчилар томонидан билдирилган фикр ва таклифлар атрофлича ўрганилди.

Жамланган баллар асосида « UNIT OF ACTION » МЧЖ **97,2** балл билан ғолиб деб топилди.

Хайъат аъзолари шахсий электрон калитлари орқари электрон овоз бериш натижасида Автохўжалик балансида турувчи автотранспорт воситаларига эҳтиёт қисмлар харид қилиш бўйича « UNIT OF ACTION » МЧЖ таклифи арzon ва сифатли бўлганлиги сабабли, мазкур ташкилот билан **123 816 000,00** (*Бир юз йигирма уч миллион саккиз юз ўн олти минг*) сўмлик шартнома тузиш юзасидан бир овоздан маъкулланди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот иштирокчилари «STANDART LEVEL» МЧЖ(инн:308163954) ва «UNIT OF ACTION» МЧЖ(инн:308632379) билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур лотда иштирок этмаяпти.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу № 22110012098606 сонли лот рақами бўйича Автохўжалик томонидан тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан 2022 йил 9 июндан 2022 йил 13 июнгача яъни 2 кун давомида etender.uzex.uz электрон платформасига муҳокамага қўйилди ва ҳеч қандай эътиroz ёки норозиликлар юзага келмади ва аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда хайъат

ҚАРОР ҚИЛДИ :

- № 22110012098606 лот рақами орқали элон қилинган “Энг яхши таклифни танлаш” учун ташкилотлардан келиб тушган электрон таклифлар эътиборга олинсин.
- Танлов голиби этиб, « UNIT OF ACTION » МЧЖ эълон қилинсин ва ушбу баённома муҳокама учун etender.uzex.uz электрон платформаси “Энг яхши таклифни танлаш” бўлимiga жойлаштирилсин.
- Танлов голиби этиб эълон қилинган «UNIT OF ACTION» Масъулияти Чекланган Жамияти билан **123 816 000,00** сўмга шартнома тузилиши макуллансин.

Хайъат аъзолари:

Алимов С.



Бош ҳисобчи

Эшонқулов И.Ф.



Етакчи иқтисодчи

Махкамов Х.



Автомобилларни таъмиrlаш устахонаси бошлиғи в.в.б

Азизов Н.У.



Моддий техника таъминот бўлими мудири

Ташматова Л.К.



Техник бўлим мудири в.в.б

Зуфаров Д.У.



Марказий омбор мудири

Хошимов Д.Э.

Комиссия котиби.